Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 30 апрель, чоршанба • № 34 (10.912) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ВОЛЬФГАНГ ШРАЙБЕРНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган демократик янгиланишлар жараёнига, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётини шакллантиришга фаол кўмаги учун Конрад Аденауэр жамғармасининг минтақавий вакили Вольфганг Шрайбер «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 28 апрель.

РАСМИЙ ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Италия Республикаси Президенти Оскар Луиджи Скальфаро шу йил 2-4 май кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

ТЕННИС — ҲАММАГА МАНЗУР

«Ҳавас»га ҳавас ортмоқда

Бугунги кунда қўлига ракетка олиб, теннис кортларида чаққон ҳаракат қилаётган ёш йигит-қизни кўриш одатий бир ҳол туюлса, туман ёки шаҳар ҳокимларини спорт формасини кийиб, теннис ўйнаётганига ажабланмаса ҳам бўлади. Саломатлик ҳаммага — ўқувчига ҳам, талабага ҳам ишчига ҳам керак бўлганидек, раҳбарга ҳам керак.

Республикамизда «Ҳавас» турнирига ўтган йил асос солинганди. Унда асосан раҳбар ходимлар, ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари мусобақалашадилар. Аввалига туманлар, сўнгра шаҳар ва вилоят миқёсида мусобақалар бўлади. Энг кучлилар Тошкентда 6—8 май кунлари республика миқёсида ўтадиган биринчиликда маҳоратларини намойиш этадилар. Олмалиқ шаҳрида Тошкент вилояти биринчилигида теннис шайдолари баҳсида А.Расулов, Ю. Беланов, А. Абдувосиқов, А. Йўлчиев сингари раҳбар-спортчилар ғолибгина келиб қолмай, балки маҳоратлари ошганлигини ҳам кўрсатишди. «Ҳавас» турнирига қизиқиш ортаётган экан, унинг издошлари бўлган «Ибрат», «Ўрнак», «Истиқлол» сингари хилма-хил турнирлар пайдо бўлаётганлиги ва кўплаб янги-янги кортлар бунёд этилаётганлиги юртимизда теннис спорти тезкорлик билан ривож топиб бораётганлигидан далолатдир.

ДЕҲҚОН ЮМУШЛАРИ

НАВБАТ ПАРВАРИШГА

Вилоят пахтакорлари мўл ҳосилга дастлабки мустаҳкам пойдевор қўйдилар. 108 минг гектар майдонга чигит экиб бўлинди. Шундан 12 минг гектар ерга андижонликлар тажрибасини қўлланиб, пленка остига уруғ қадалди. Бу йил асосий майдонларга серҳосил ва эртапишар С-65-24, Наманган—77, қисман Фарғона-3 каби пахта навлари экилди.

— 58 минг гектар очиқ майдонларга экилган чигит ернинг табиий намида текис униб чиқди, — дейди вилоят сув ва қишлоқ хўжалиги бошқармаси мутахассиси Аҳмаджон Қодиров. — Пленка остига экилган майдонларда ниҳоллар чинбарг чиқара бошлади. Вилоятда чигит экишни биринчи бўлиб тугаллаган Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» корпорацияси, «Гулистон» жамоа хўжаликларида ғўзаларни биринчи марта культивация қилишга киришилди. Таги юмшатилган ва чопиқ ўтказилган майдонларда ниҳоллар ягана қилинаётир. Шу кунларда вилоят бўйича 110 дан кўпроқ культиватор ишга тушди.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

ШОЛИ КЎЧАТИ ЭКИЛДИ

Ўртачирчиқ туманининг Навоий номидаги жамоа хўжалигида Кореядан келтирилган ихчам тракторлар ёрдамида дастлабки 50 гектар ерга шоли кўчати экилди. Гап шундаки, ўтган йили мазкур тумандаги Шоличилик илмий-текшириш институти ходимлари кореялик мутахассислар билан шолини кўчат ҳолида экишни синовдан ўтказиб яхши натижага эришган эди. Бу йил эса хўжаликда ана шу мақсад учун 200 гектар ер ажратилди.

Янги технологиянинг афзаллиги шундаки, шоли одатдагидан 15—20 кун илгари етилади, талай уруғлик тежалади, гектар бошига 40—50 центнер ўрнига 80—90 центнердан хирмон уюлади.

Б. ОСТОНАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

Пилламиз — тилламиз

ЎТГАН ЙИЛГИДАН АНЧА КЎП

Кунларнинг исиб бораётгани ипак қуртларининг тез ривожланишига имкон беряпти. «Бу йил 23 минг қути қурт уруғи тарқатилди, — деди вилоят пиллачилик ширкатларини мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси Остонақул Маттиев. — Бекобод, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Қуйичирчиқ, Бўка ва Оққўрғон туманлари пиллачилари ҳар йилдагидан анча кўп қурт боқмоқдалар. Ипак қурти озуқаси—тут дарахтларининг барги етарли. Ҳамма жойда қуртлар иккинчи ёшда асралмоқда».

Вилоят пиллачилари ўтган йили ҳар бир қути қурт уруғидан 46 килограммдан пилла топширган эдилар. Бу йил улар ҳосилдорликни 50 килограммга етказишни режалаштиришган. Кенгаш раиси О. Маттиевнинг таъкидлашича, пиллачиларга барча шароитлар яратилган. Ўтган йили ҳар бир килограмм пиллага 35 сўмдан ҳақ тўланган эди. Бу йил пилла нархи 55 сўмга чиқди. Булардан ташқари пиллачилик идоралари пиллакорларга бўнак тариқасида ун, ёғ ва бошқа озуқа маҳсулотлари ҳам бераётир.

Раҳим ҚОДИРОВ.

ХАЛҚИМ, ТИЛАГАНИНГ ЭЗГУ НИЯТДИР, ЭЗГУЛИК БЕШИГИ – МАЪНАВИЯТДИР...

Юртбошимиз айтганларидек, юксак маънавиятсиз келажак йўқ. Эртага Юқоричирчиқ туманидаги «Ийк ота» жамоа хўжалигининг ҳашаматли маданият саройида Маънавият ва маърифат масалаларига бағишланган вилоят анжумани бўлиб ўтади. Унда касаба уюшмалари кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, маданият ишлари бошқармаси, «Камолот» жамғармаси ва бошқа вилоят ташкилотлари фаоллари йиғиладилар. Мақсад—одамлар қалбида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масалаларини биргаликда муҳокама этиб, бу ишларни юқори савияга кўтариш, кучларни бирлаштирган ҳолда мазкур муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш йўлларини белгилаб олишдир.

(3-бетда ўқинг).

Воқеалар, хабарлар, лиғиликлар

ХАРИДОРЛАР КЎПАЙДИ

БЎСТОНЛИҚ туманидаги «Энергоқурилишиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган маҳсулотларнинг харидори кўпайиб кетди. Корхона кўплаб номда темир-бетон буюмларини тайёрламоқда. Норуда материаллар, керамзит, шағалтош, қум, ғишт ва деворбоп панелларни ўнлаб қурилиш ташкилотларига пайдар-пай жўнатяпти. Яқиндан бошлаб эса Кўкдумалоқ нефть конлари, Тахиатош сода ва Муборакдаги газни қайта ишлаш заводларига юқори кучланишли электр узатиш линиялари учун темир-бетон асослар тайёрлаб берилянти.

— Бу буюртма корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифатли эканлиги ҳамда жамоамиз тузилган шартномага қатъий амал қилаётганлигини тасдиқловчи омилдир, — дейди ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари Илёс Миржалолов. — Зеро, бозор иқтисодиёти биздан ана шундай тарзда ишлашимизни тақозо этяпти.

Раҳим КАРИМОВ.

ЧЕВАРЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ

Тошкент туманида пойтахт хотин-қизлар қўмитаси ва «Тадбиркор аёл» уюшмасининг ташаббуси билан энг моҳир чеварлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда юзга яқин хусусий корхона тикувчилари, чевар аёллар ўзлари тайёрлаган буюмларни намойиш этди. Бекобод шаҳридаги «Шоҳнур» хусусий корхонаси ғолиб деб топилиб, вилоят меҳнат ва бандлик хизмати томонидан ажратилган 1 миллион сўмлик имтиёзли кредитга сазовор бўлди. Иккинчи, учинчи ўринни эгаллаган чеварлар эса хорижга саёҳат учун йўлланма ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Б. ОСТОНАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

ҲАМ МАЪРУЗА, ҲАМ ТОМОША

ЯҚИНДА «Ватан» кинотеатрида Чиноз туман меҳнат аҳлининг Тошкентдан ташриф буюрган олимлар ва санъат шайдолари билан бўлиб ўтган учрашуви қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди. Улар Тошкент театр ва рассомчилик санъати олийгоҳи декани, профессор Маҳкам Исроиловнинг маънавият мавзусида мароқли суҳбати, ўзбек саҳнасининг юлдузларидан ҳисобланган Обид Жалиловнинг фарзанди, қатор фильмлар ва спектаклларда бош гримчилик қилган Сурьат Жалиловнинг хотираларини тинглагач, Сергели туманидаги «Умид» халқ театрининг Илҳом Ҳасанов асари асосида саҳналаштирилган «Бир кам дунё» спектаклини томоша қилдилар.

Нилуфар ЖУМАНОВА.

БИР КИЛОСИ БИР ГЕКТАРГА ТАТИЙДИ

ТОШКЕНТ вилояти «Ҳақиқат» уруғчилик корпорацияси тавсия этаётган биоўғит пахтачилик, галлачилик, сабзавотчилик, боғдорчиликда ҳосилни оширишда ва тез етилишида катта кўмакчи вазифасини ўтайди. Ушбу янгилик ихтирочилари ҳисобланмиш Тошкентдаги истиқболли тадқиқотлар ва инновация институти директори, профессор Бадриддин Рихсиев ўртачирчиқлик қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари семинарида сўзга чиқиб, ундан фойдаланиш йўл-йўриқлари ҳақида сўзлаб берди. Ернинг янги дармондориси — биоўғит пахта ҳосилдорлигини 3—5 центнерга, донни 5—10 центнерга, картошка ҳосилини 50—100 центнерга, помидор ва карамни 100—150 центнерга, кўк массани 50 фоизга оширади. Ундан боғдорчиликда ҳам фойдаланса бўлади. Мевалар ҳосилдорлигини 15—20 фоизга ошириш билан ундаги қанд миқдорини ҳам ортишига олиб келади.

Ҳозирда ушбу ўғитдан Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида кенг фойдаланилмоқда. Ўртачирчиқ туман «Ҳақиқат» уруғчилик корпорацияси бош директори Абдукарим Тошматовнинг саъй-ҳаракати билан келтирилган ушбу дармондори-биоўғитдан тумандаги қатор хўжаликлар фойдаланишмоқчи.

Толибжон ҲАКИМОВ.

ИПАК ЙЎЛИНИНГ ҚАМЧИҚ ДОВОНИ

Маълумки, республика Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент — Ўш автомобиль йўлини Қамчиқ ва Резак довони участкаларида тунеллар қурган ҳолда реконструкция қилиш ва қурилиш ишларини жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди.

1997 йил қурилишлари

Куни кеча пойтахтимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида халқаро анжуман ўз ишини якунлади. У Андижон — Ўш — Қашқар темир йўли қурилиши ва автомобиль йўлининг қайта қурилиши масалаларига бағишланди.

Дарҳақиқат, қарийб бир ярим минг йилдан ортиқ инсоният хизматида бўлган Ипак йўлининг Андижон — Ўш — Қашқар оралиғидаги масофаси таъмирланса, улкан тарихий воқеа содир бўлади. Шуни айтиш керакки, Тошкент — Ўш магистраль йўлининг йўлсозларимиз томонидан қайта қурилиши, хусусан, бизнинг мамлакатимиз ҳудудидаги 70 километрлик йўл таъмирланиб кенгайтирилиши билан боғлиқ улкан бунёдкорлик ишларида вилоятимиз қурувчилари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Айни вақтда Қамчиқ ва Резак довонларида жами 2,5 километр узунликдаги тоннел қазилмоқда. Истиқлолимизга хизмат қиладиган бу олтин камарни бунёд этишда вилоятимиз қисмидаги қурилиш ишларига Оҳангарон тумани автомобиль йўллари бошқармаси бошлиғининг қурилиш ишлари бўйича муовини Толиб Комилов раҳбарлик қилмоқда.

Бунёдкорлик ишларида 25 та юклаш транспорти, 24 та бульдозер, 52 та автосамосвалдан фойдаланилмоқда.

Вилоятимиздан 24 та ташкилот иштирок этаётган йўл қурилиши ишини мувофиқлаштириб турувчи штабда ҳафталик бажарилган юмушлар муҳокама этилиб, навбатдаги режалар белгиланади. Ҳар куни беш-олти минг кубометр тупроқ ишлари амалга оширилмоқда. Вилоятимиз ҳудудида жойлашган трасса Чинор қишлоғидан бошланиб, Наманган вилояти чегарасидаги Саридала қишлоғида тугалланади. Трасса биринчи тоифали йўл ҳисобланиб, узунлиги 29 км. Эндиликда бу йўл жаҳон талабларига жавоб берадиган даражада, кенглиги 37 метрни ташкил этадиган равон йўл бўлади.

Шу бугунгача 330 минг куб метрдан ортиқ тупроқ ишлари бажарилди. 1997 йилда 1 миллион 900 минг куб метр ҳажмдаги тупроқ ишлари бажарилиши мўлжалланмоқда. Чинакам зарбдор қурилиш ҳисобланган трассада ҳар куни ўз касб мутахассислигига эга бўлган 300 га яқин қурувчи меҳнат қилмоқда.

Даврон АҲМЕДОВ,
Миржалол МИРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: йўлсозлар фаолиятидан лавҳалар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

АХБОРОТ ОЛИШ КАФОЛАТЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

2-модда. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

3-модда. Ахборот олиш кафолатлари

Ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади.

4-модда. Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари

Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари ахборотнинг ошкоралиги, ҳамма олиши мумкинлиги, очиқлиги ва ҳаққонийлигидан иборатдир.

5-модда. Ахборот олишга доир сўров

Ҳар ким ахборот олишни сўраб бевосита ўзи ёхуд қонуний вакиллари орқали мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

6-модда. Сўровнинг шакллари ва уни қараб чиқиш муддатлари

Ахборот олишга доир сўров ёзма ёки оғзаки шаклда ифодаланиши мумкин.

Ёзма сўровда мурожаат этувчининг исми, отасининг исми, фамилияси, манзили, сўралаётган ахборотнинг номи ёки хусусияти кўрсатилади.

Ёзма сўровлар рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Сўровга иложи борича қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, сўров олинган санадан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши керак.

Оғзаки сўровга, имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши шарт.

Агар сўров тушган орган ёки мансабдор шахс сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, мурожаат этувчига бу ҳақда сўров олинган санадан бошлаб етти кундан кечиктирмай маълум қилиши, шунингдек, имкониятга қараб, унга бундай ахборотга эга бўлган органнинг ёки мансабдор шахснинг номини маълум қилиши шарт.

7-модда. Ахборот олишни таъминлаш

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбурдир. Ахборот олиш имконияти тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади.

8-модда. Ахборот бериш ва унга ҳақ тўлаш

Мурожаат этувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборот унинг сўровига биноан текинга берилади.

Бошқа ахборотни берганлик учун томонларнинг келишувига мувофиқ ҳақ олиниши мумкин.

9-модда. Тақдим этилиши мумкин бўлмаган ахборот

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат ахборотни беришлари мумкин эмас.

10-модда. Ахборот манбаини ошкор этмаслик

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ва тахаллусини қўйган муаллифнинг кимлигини унинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллифнинг кимлиги фақат суд қарори билан ошкор этилади.

11-модда. Ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгарлик

Оммавий ахборот воситалари эълон қилинаётган ахборотнинг тўғрилигини текшириб кўришлари шарт ва улар ахборот берувчи билан биргаликда унинг тўғрилиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

12-модда. Шикоят қилиш ҳуқуқи

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, жамоат бирлашмаларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқларини камситувчи хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

13-модда. Ахборот олиш ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик

Ахборот олиш ҳуқуқининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

14-модда. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги соҳасидаги халқаро шартномалар

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори

«АХБОРОТ ОЛИШ КАФОЛАТЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЖУРНАЛИСТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун журналистнинг журналистлик фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, унга ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар беради, журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгилайди.

2-модда. Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

3-модда. Журналист

Журналист -- Ўзбекистон Республикасининг ёки хорижий давлатнинг оммавий ахборот воситаларида хизмат қиладиган ёхуд уларда шартнома асосида ишлайдиган ва маълум мавзудаги ахборотни тўплаш, таҳлил этиш ҳамда тарқатиш билан шуғулланувчи шахсдир.

4-модда. Цензурага йўл қўйилмаслиги

Ўзбекистон Республикасида цензурага йўл қўйилмайди.

Журналистдан хабарлар ва материалларни олдиндан келишиб олишини, шунингдек, материал ёхуд хабарнинг матнини ўзгартиришни ёхуд уларни бутунлай нашрдан олиб қолишни (эфирга бермасликни) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

5-модда. Журналистнинг ҳуқуқлари

Журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида:

ахборот тўплаш, уни таҳлил этиш ва тарқатиш;

ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат этиш;

давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиш;

журналист текшируви ўтказиш;

ўзи тайёрлаган хабарлар ва материалларни оммавий ахборот воситалари орқали имзосини ёки тахаллусини қўйиб тарқатиш, уларда ўз фикр-мулоҳазасини ифодалаш;

журналистлик фаолиятини амалга ошириш юзасидан мансабдор шахс қабулида бўлиш;

маълумотларни белгиланган тартибда ёзиб олиш, шу жумладан зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб олиш;

судларнинг очиқ мажлисларида, ҳарбий ҳаракатлар майдонларида, табиий офат юз берган ҳудудларда, оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш;

эълон қилишга тайёрланган маълумотларни текшириш учун мутахассисларга мурожаат қилиш;

башарти, қонунни бузишга олиб келадиган бўлса, оммавий ахборот воситаси томонидан берилган топшириқни бажаришни рад этиш;

ўзи тайёрлаган хабар ёки материалнинг мазмуни таҳрир жараёнида бузилган деган фикрга келса, унга имзо қўймаслик ёхуд уни нашрдан олиб қолишни (эфирга бермасликни) талаб этиш;

ахборот манбаи ёки муаллифнинг номи сир сақланишини талаб қилиш;

тақдим этган хабарининг мазмунини оммавий ахборот воситаси бузиб эълон қилиши оқибатида ўзига етказилган маънавий зарар ва моддий зиён қопланишини суд орқали талаб қилиш;

жамоат бирлашмаларига, шу жумладан журналистларнинг халқаро ташкилотларига кириш ҳуқуқларига эга.

Журналист ўзига қонун ҳужжатлари билан берилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

6-модда. Журналистнинг мажбуриятлари

Ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида журналист:

қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари талабларига риоя этиши;

ўзи тайёрлаётган материалларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши;

айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиши;

шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт.

Журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек аудио ва видео ёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас;

журналист қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши шарт.

7-модда. Журналистика соҳасининг сири

Фуқаролар ёки бошқа ахборот манбалари томонидан ихтиёрий равишда маълум қилинган махфий хабар, шунингдек факт ёки воқеалар журналистика соҳасининг сири ҳисобланади.

Журналистнинг журналистика соҳасининг сири ҳисобланадиган маълумотларни бу маълумотлар манбаининг розилигисиз ошкор этиши, шунингдек улардан ўзининг ғаразли манфаатлари ёки учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаб фойдаланиши таъқиқланади.

8-модда. Журналистнинг дахлсизлиги

Журналист журналистлик фаолиятини амалга ошириш чоғида шахс дахлсизлиги кафолатидан фойдаланади.

Танқидий материаллар эълон қилганлиги учун журналистни таъқиб қилишга йўл қўйилмайди.

9-модда. Журналист текшируви

Журналист ахборот тўплаш ва текширув ўтказиш ҳуқуқига эга.

Журналист ўз текширувларининг натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишга, уларни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин. Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас.

10-модда. Журналистнинг касбига доир фаолияти кафолатлари

Журналистнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланади.

Давлат журналистга ахборотни эркин олиши ва тарқатишини кафолатлайди, ўз касбига доир фаолиятни амалга оширишида унинг ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Журналистнинг журналистлик фаолиятига аралашиш, ундан ўз касбига доир вазифаларни бажариш чоғида олган бирор бир маълумотни талаб этиш таъқиқланади.

11-модда. Журналистни аккредитация қилиш

Журналист давлат органи ёки жамоат бирлашмасида аккредитация қилиниши мумкин.

Журналистлар аккредитация қилинган давлат органлари ва жамоат бирлашмалари ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида журналистга олдиндан маълум қилишлари ва зарур ҳужжатлар ҳамда материалларни тақдим этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг журналисти хорижий давлатда аккредитация қилиниши мумкин.

Чет эл журналисти Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилиниши мумкин.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси журналистининг чет элдаги ва чет эл журналистининг Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти

Ўзбекистон Республикасининг журналисти чет элда журналистлик фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг ва ўзи аккредитация қилинган мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилинган чет эл журналисти ахборот тўплаш ва тарқатишда Ўзбекистон Республикаси журналисти билан тенг ҳуқуқларга эга.

Чет эл журналисти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида журналистлик фаолиятини амалга ошириш чоғида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига риоя этиши шарт.

13-модда. Чет эл журналисти аккредитациясининг бекор қилиниши

Чет эл журналисти ушбу Қонунни, бошқа қонун ҳужжатларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидаларини бузган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги унинг аккредитациясини бекор қилиши мумкин.

Чет эл журналисти ўзининг Ўзбекистон Республикасидаги аккредитациясини бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги чиқарган қарор устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

14-модда. Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари:

цензура қилганлик,

журналист ўз касбига доир қонуний фаолиятни амалга оширишига аккредитация қилишни асоссиз равишда рад этиш ёки аккредитацияни ноўрин бекор қилиш йўли билан тўсқинлик қилганлик;

журналистнинг сўров билан мурожаат қилиш ва зарур ахборотни олиш ҳуқуқини бузганлик;

журналистга тазйиқ ўтказганлик, унинг журналистлик фаолиятига аралашганлик;

журналистнинг материаллари ва зарур техника воситаларини ғайриқонуний равишда олиб қўйганлик;

ахборот манбаини ёки муаллиф номини унинг розилигисиз ошкор этганлик учун жавобгарликка тортиладилар.

Журналистнинг ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқларини бузганлик, унинг журналистлик касбига доир фаолияти билан боғлиқ ҳолда шаъни ва қадр-қимматини ҳақорат қилганлик, унинг ҳаёти, соғлиғи ва молмулкига таҳдид, зўравонлик ёки тажовуз қилганлик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

15-модда. Журналистнинг жавобгарлиги

Журналист ўзи тайёрлаётган ва тарқатаётган хабарлар ҳамда материалларнинг ҳаққоний бўлиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгардир.

Журналист расмий хабарларда баён этилган ахборотни тарқатганлик учун жавобгар бўлмайди.

16-модда. Халқаро шартномалар

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори

«ЖУРНАЛИСТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 апрель.

СУҒУРТА ТИЗИМИ ЯНГИЧА ИШЛАМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗДА амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳамиша халқ манфаатини кўзлаб иш юритаётган суғурта тизимида ҳам ўзгаришлар қилишни тақозо этди. Президентимиз фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ташкил этилган «Ўзагросуғурта» давлат-акционерлик суғурта компанияси ана шу чуқур изланиш ва саъй-ҳаракатлар меваси бўлди.

Бу соҳадаги янгиликлар вилоятимизнинг собиқ суғурта мутахассаси фаолиятига ҳам жорий этилди ва шу тариқа «Ўзагросуғурта» Давлат акционерлик суғурта компаниясининг Тошкент вилоят дирекцияси таркиб топди.

Биз яқинда дирекция раҳбари Х. УМАРОВ билан мулоқотда бўлиб, унга қатор саволлар билан мурожаат этдик.

— Ҳикмат Рихсиевич, одатда мавжуд бир ташкилот ёки муассасанинг иш мазмуни, мулк шакли ўзгарганида кўпчиликни «бундан кутилган мақсад нима?» деган савол қизиктиради...

— Жуда тўғри. Ўзингизга маълум, кейинги йиллар ичида республикамиз аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлигини оширишда етакчи тармоқ ҳисобланган қишлоқ хўжалигини юксалтиришга жиддий эътибор берилмоқда. Президентимиз қатор вилоятлардаги сессиялар, фаоллар йиғилишларида бу соҳани ривожлантирмай туриб, кўзланган ислоҳотларни рўёбга чиқариш мушкуллигини алоҳида қайд этдилар. Натижада, мазкур тармоқ ва ғамхўрликни кучайтириш билан боғлиқ бир неча ҳужжатлар қабул қилинди. Деҳқон манфаатига бўлган бундай ғамхўрлик суғурта тизимида ҳам ўз ифодасини топди. Президентимизнинг 1997 йил 25 февралдаги фармони, Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 6 март қарорига мувофиқ ташкил этилган, «Ўзагросуғурта» Давлат акциядорлик суғурта компанияси, хусусан, унинг бир тармоғи ҳисобланган бизнинг дирекциямиз дала меҳнаткашларининг манфаатларини ҳимоя қилади. У ўз иш дастурида анчагина янгиликларни қамраб олган.

Янги талабларга асосан «Ўзагросуғурта» компанияси, шу жумладан, дирекциямиз фаолиятидаги суғуртанинг асосий турларига банк кредитларини тўламаганлиги учун қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жавобгарлигини суғурта қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун хўжаликларга (фьючерс шартномалари асосида) олдиндан бериладиган пул маблағлари, яъни авансларнинг қайтарилишини суғурталаш каби янги йўналишлар ҳам киритилди.

Иккинчи йўналишни кенгроқ изоҳлаб бермоқчиман. Айтайлик, бирон-бир хўжалик келгуси йил маҳсулотини кўзлаб банкдан пахта, дон етиштириш учун кредит олган. Жойларда бу кредитлар хўжалик маҳсулот топширадиган пахта заводлари, пунктлар орқали аванс тарзида, яъни олдиндан, бўлғуси ҳосилдан кутиладиган даромаднинг маълум бир фоизи (бўнак, улуш) сифатида тўланади. Дейлик, бўнак сифатида 50 фоиз кредит олинган бўлсин. Ана шу улушнинг давлатга қайтарилишини ҳимоялаш учун хўжалик-хомашё топширадиган корхона билан бизнинг ўртамизда суғурта шартномаси тузилади. Кредитнинг қолган 50 фоизи учун хўжалик гаровга қўйган мулкни суғурталаш дирекция билан хўжалик ўртасида амалга оширилади. Шу тариқа деҳқон меҳнати икки томонлама ҳимояга олинади.

— Банкдан барча хўжаликларга ҳам кредит берилавермаса керак. У ҳолда суғурталаш фаолияти қай тариқа юргизилади?

— Саволингиз ўринли. Бу борада Республика Вазирлар Маҳкамасининг расмий ҳужжати мавжуд. Унга кўра, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси Молия вазирлиги, «Пахта-банк», «Ғаллабанк» ва «Мевасабзавотбанк» билан биргаликда хўжаликнинг молиявий аҳволи ва тўлов қобилияти тўғрисида хўжалик паспортини тайёрлайдилар. Ҳозир «Ўзагросуғурта»нинг ҳар бир вилоят, туман тармоғи бундай паспортларга эга. Шу кунларда паспортлар тўлдирилиб, хўжалик «таржимаи ҳоли» юзага чиқмоқда. Компаниянинг суғурта полисини ва банк кредитини олишга даъвогар бўлиши мумкин бўлган хўжаликлар рўйхати аниқланмоқда.

Инсон манфаатлари йили

— Янгича тизимда суғуртанинг қайси турлари мажбурий, қайсилари ихтиёрий бўлиб қолганлиги тўғрисида ҳам гапириб берсангиз?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қароридан кейин илгари амалда бўлган қатор ҳужжатлар эндиликда кучини йўқотди. Хусусан, ҳукуматимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат суғурта органлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» (1992 йил 31 декабрь), «Жамоа, давлат хўжаликлари ва бошқа давлат корхоналари мол-мулкининг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида» (1993 йил 23 декабрь), «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 23 декабрдаги қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» (1995 йил 4 апрель), «Қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкининг давлат мажбурий суғуртасига доир суғурта тўловлари ставкалари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» (1995 йил 21 август)ги қарорлари энди фаолиятимизда қўлланилмайди. Бундан буён тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар қайтарилиши учун хўжаликнинг жавобгарлигини суғурта қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича ишларни йўлга қўйиш учун аванс тариқасида бериладиган маблағлар қайтарилишини суғурта қилиш, қишлоқ жойларда яшовчи фуқароларга тегишли мол-мулкни суғурта қилиш, қишлоқ жойлардаги гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилиш, қишлоқ жойлардаги транспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш МАЖБУРИЙ ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари экинлари маҳсулотини, экинларни қайта экиш, оласига экиш, мазкур корхоналарга тегишли чорва моллар, асосий воситалар, табиий пичанзорлар, яйловлар ҳосили, тут дарахтлари баргини, пилла, боғлар ва узумзорлар ҳосили, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан жўнатиладиган юклар ИХТИЁРИЙ суғурта қилинади. Деҳқон, фермер, ижара хўжаликлари мол-мулки ҳам ихтиёрий суғуртага мансуб манбалардир.

Шуни айтиш керакки, янгича тартиб фаолиятимизда қишлоқ аҳолиси ҳовлилари, томорқа экинлари ҳосили, дала ҳовлилари, иморатлар, чорва моллари, рўзғор буюмлари, транспорт воситалари, фуқаролар ҳаётлари ва болаларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш ҳам илгаригидек ихтиёрий бўлиб қолаверди. Жойлардаги давлат, хусусийлаштирилган, қўшма, кичик ва ўрта корхоналар мол-мулкини суғурталаш бу турга янгилик бўлиб қўшилди.

— Янгича иш услуби ташкилий жиҳатдан ҳам ўзгаришларга олиб келган бўлса керак?

— Албатта. Биз бу борада анча жадал ҳаракат қиляпмиз. Аввало, дирекция Низоми ишлаб чиқилди. У «Ўзагросуғурта» компанияси томонидан тасдиқлангандан сўнг, жойлардаги суғурта инспекциялари бўлинмаларга айланди. Биринчи навбатда улар раҳбарларини янгича талаблар билан таништириш мақсадида семинарлар уюштирилди. Айни пайтда қишлоқ хўжалик корхоналари билан суғурта шартномалари тузишга дахлдор ҳужжатларни ҳам тайёрлаб олдик. Дирекция тармоқлари вакиллари хўжаликларда бўлиб, янгича услуб моҳиятини, мазмунини аҳоли, раҳбарлар орасида батафсил тушунтирмоқдалар. Бундай фаолият суғурта тизимига нисбатан фуқаролар дунёқарашини ўзгартираётгани кувонарли ҳолдир. Эришилган натижалар буни яққол кўрсатиб турибди. Хусусан, 1997 йилнинг биринчи чорагида аҳолини суғурта қилиш турларидан тушган тушумнинг ўзи режалаштирилган 19 миллион 300 минг ўрнига 20 миллион 850 минг сўмни ташкил этди.

Бошқа турлар бўйича ҳам ижобий самараларга эришиляпти.

Суҳбатдош
Саидвали ҲАСАНОВ.

ХАЛҚИМ, ТИЛАГАНИНГ ЭЗГУ НИЯТДИР, ЭЗГУЛИК БЕШИГИ — МАЪНАВИЯТДИР...

...ҲА, ҲАЁТДА ҳеч бир жабҳа, ҳеч бир соҳа йўқ-ки, унинг асосини ва ривожини айнан маънавият ва маърифат белгиламаса. Шу боисдан ҳам Президентимизнинг махсус Фармонидан сўнг жойларда бу борада қатор хайрли ишлар қилинмоқда, мустақил давлатимизнинг ёруғ келажаги йўлида фан, маданият, қадрият, адабиёт ва санъат соҳасида муҳим ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Айниқса, халқимизнинг тадбиркорлик ва яратувчанлик ишларини қўллаб-қувватлаш, ёшларимизни янги замон кишиси қилиб тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар эътиборга лойиқдир. Табиийки, бу каби масъулиятли вазифаларни адо этишда баъзи бир қийинчилик ва муаммоларга дуч келинмоқда. Хўш, аҳволни янада яхшилаш ва кўзланган мақсадга эришиш учун нималар қилмоқ керак?

Вилоят касаба уюшмалари қўмитаси ва бошқа қатор ташкилотлар ўзларининг эртанги конференциясини айнан ана шу масалага бағишладилар. анжуманда бу борада бажарилиши лозим бўлган истиқболдаги ишлар белгилаб олинади, айни пайтдаги аҳвол таҳлил қилинади ва тегишли чора-тадбирлар кўрилади. Қуйидаги саҳифада анжуман олдидан вилоят фаолларидан бир гуруҳининг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

БИЗНИ БИР МАҚСАД БИРЛАШТИРАДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони шу қадар ҳаётбахш ғояларни, мақсад ва вазифаларни илгари сурганки, вақт ўтиши билан уларнинг салоҳияти, қадр-қиймати, мазмуни ортиб бораверади. Шу боисдан ҳам мазкур тарихий ҳужжатга бот-бот мурожаат қилаверасан, киши.

Вилоятимиз касаба уюшмалари қатор манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан биргаликда вилоят ҳокимлиги раҳбарлигида, бугун ана шу тарихий фармонга мурожаат қилиб, ўз вазифаларини белгилаб олаётганлиги ҳам юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугун маънавий—маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устивор йўналишига айланиб бормоқда. У мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланмоқда. Ана шу талаблардан келиб чиқиб, маданий-маърифий ишларни амалга оширишда вилоятнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, иш юритиш мақсадга мувофиқдир. Бу хусусият воҳанинг узоқ тарихига бориб тақалади. Шу муқаддас замин фарзандлари ҳисобланмиш Хўжа Аҳрор Валий, Зангиота каби қўплаб мутафаккир ва уламоларнинг номлари билан боғланади. Бу хусусият мамлакат иқтисодиёти ва маънавиятида вилоятнинг тутган ўрни билан, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар билан белгиланади.

Олдимизда турган вазифаларнинг кўлами жуда кенг. Уларни амалга ошириш учун маънавий—маърифий ишлар олиб борувчи ташкилотлар кўлни кўлга бериб, ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатишлари лозим. Бунинг учун улар ўз фаолиятларини, режаларини бир-бирлари билан мувофиқлаштириб олишлари керак. Шундагина жойларда олиб бориладиган ишлар самарадорлиги ортади.

Умид қиламизки, ушбу масалага бағишлаб эртага бўлиб ўтадиган вилоят фаолларининг йиғинида шулар ҳақида гап боради. Маърифий ташкилотларнинг фаолиятларини мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш ҳақида келишиб олинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, барчамизнинг муддао ва мақсадларимиз муштаракдир.

Шунингдек, йиғилиш вилоятда олиб борилаётган маънавий ва маърифий ишларнинг умуммазмунига, шакли ва шамойилига баҳо беради.

Вилоятда бу ишлар меъёрида олиб борилмоқда. Ўтказилаётган тадбирларнинг бош мақсадини мустақиллигимиз моҳиятини тўла англаб етишга, уни янада мустаҳкамлашга қаратганмиз.

Мана шу жараёнда Республика «Маънавият-маърифат» жамоатчилик марказининг жойлардаги ташкилотлари шакланди ва камол топмоқда. Эндиликка келиб, марказнинг Паркент, Пскент, Тошкент туманлари бўлимида дуруст ишлар амалга оширилмоқда.

Бу йил марказнинг Оққўрғон туман бўлимида жиддий, мақтовга лойиқ ўзгаришлар содир бўлди. Туман ҳокими Абдуғани Деҳқонбоев ўз фаолиятида маънавий-маърифий ишларга жуда катта эътибор бермоқда. Ҳокимнинг ташаббуси билан туманда мунтазам ибратли тадбирлар ўтказилмоқда. Марказнинг туман бўлимида барча шарт-шароитлар яратилди. Тадбиркорлик билан мустақил шуғулланиш учун қулай имкониятлар туғдирилди. Ҳозир марказнинг Оққўрғон туман бўлими илғорлар сафидан ўз ўрнини эгаллади.

Ушбу далилнинг ўзи ишнинг самарадорлиги биринчи раҳбарга нақадар боғлиқ эканлигини кўрсатиб турибди. Дарвоқе, номи юқорида қайд этилган тарихий Фармонда ҳам жойларда маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият ҳокимлар, биринчи раҳбарлар зиммасига юклатилганлиги ҳам бежиз эмас.

Маънавиятимизнинг бош ҳомийси — Республика Президентининг ушбу талаблари ҳамма жойда ҳам бекаму-кўст амалга ошириляпти, деб айта олмаймиз. Қуйичирчиқ, Бўка, Бекобод туманларидаги марказ бўлимлари ташкил этилганига кўп вақт бўлди. Лекин, улар фаолият кўрсатишмаяпти. Турли баҳоналар ишларни жонлантириб юборишга тўсиқ бўлиб турибди.

Афтидан, жойларда марказ вазифаларини нотўғри тушуниш ҳоллари кузатилмоқда. Кимки, уни «оддий жамғарма» ёки маърузачилар уюшмаси» деб талқин қилса, қаттиқ янглишади. Маънавият жабҳаси шунчалик кенгки, унинг янги-янги қирралари борган сари очилаверади. Маънавиятни инсон қалби ва руҳини поклашга қаратилган соҳа деб баҳоламоқ маъқул.

Вилоятимизнинг шаҳар ва қишлоқларида кўплаб ўз соҳасининг фидойилари, маънавиятимиз жонкуярлари эзгу ният билан меҳнат қилмоқдалар. Уларни ягона мақсад бирлаштириб турибди. Бу мақсад одамларда юксак маънавий фазилатларни камол топтиришдан, миллий мафкурани шакллантиришдан, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдан ва бошқа эзгу ниятлардан иборатдир. Улар ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, ҳар бир оилага зиё ва маърифат, ҳар бир қалбга эзгулик ва яхшилик олиб кирмоқдалар. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қундалик амалий ёрдамимизни аямаслигимиз бугунги кун талабидир.

Раҳматулла ШЕРАЛИЕВ,
Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлими мудири.

ОЛДИНДА ВАЗИФАЛАР КЎП

ОЧИҒИНИ айтай, мени кўп саволлар қийнайди? Нега ёшлар китоб ўқимай қўйишди? Нега уларни фақат бозор қизиқтирадию, тарбиявий мавзулардан сўз очсангиз, лол бўлиб тураверишади? Нима учун ҳозирги йигит-қизлар орасида катталарга ҳурмат, меҳр-шафқат туйғулари сусайган? Нима учун ёшларнинг миллий қадриятларимизни тиклаш, буюк бойлигимиз — обидаларга муносабати лоқайд? Ана шуларга жавоб топиш йўлида ўйлар эканман, яхшиямки «Камолот» жамғармаси ташкил этилди, акс ҳолда ворисларимиз маънавий тарбиясида катта бўшлиқ ҳосил бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмасди, деган фикр ҳаёлимдан ўтади.

Дарҳақиқат, шундай. «Камолот» ҳаётимизда сезиларли бурилишларга таянч бўлмоқда. Буни мазкур ташкилотнинг бир тармоғи бўлган вилоятимиз фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Биргина ўтган йили ва шу йилнинг биринчи чораги мобайнида жамғармамиз вилоят маънавият, маърифат, фан ва маданият бўлими билан ҳамкорликда шаҳар ва туманларда кўплаб тадбирлар, илмий-амалий конференциялар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «ЭКОСАН», «Умид», «Маҳалла» хайрия жамғармалари, вилоят Қизил ярим ой жамияти, шунингдек, қатор бўлимлар, бошқармалар билан биргаликда уюштирилган тарбиявий -маънавий мавзулардаги мулоқотлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Бундай учрашувларни уюштиришда Янгийўл шаҳар, Оҳангарон, Қибрай, Бўка, Паркент туманлари ҳокимликлари бизга катта ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Уларнинг ҳар томонлама фаолликлари туфайли жамғарма ташкил этган ҳамширалар кўрик танловлари, худудий бадиий дасталар кўриклари, хайрия марафонлари, бобомиз Амир Темур ҳаёти, фаолиятига оид суҳбат давралари, ҳар бий хизматга тайёрлашга бағишланган тадбирлар ҳамиша уюшқоқликда ўтмоқда.

Шуни айтиш керакки, ўтаётган ҳар бир учрашув ёшлар дунёқарашини ўстириш, билим савиясини бойитишга хизмат қилаётир.

Ўтган йили Бўка туманининг «Паркент» жамоа хўжалигида «Амир Темур ва унинг муҳаббати» мавзусидаги ёшлар мулоқотида олимлар ҳам иштирок этдилар. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясининг янги тарих маркази директори буюк саркарда ҳақидаги ноёб манбалар тўғрисида гапириб берди. Худди шундай суҳбатлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Биз, Халқаро Амир Темур экспедицияси томонидан тайёрланган «Амир Темур босиб ўтган йўллар» ҳужжатли фильмининг яратилишида, бобомизга бағишлаб Зангиота аҳлоқ тузатиш муассасасида ўтказилган илмий-амалий конференцияда ва бошқа тадбирларда жамғармамизнинг муносиб ҳиссаси борлигидан қувонамиз.

Ҳозирга келиб, «Камолот» жамғармаси маънавий оламга алоҳида ҳурмат билан қараш борасида ҳудудимиздаги ёшларнинг бошини қовуштира олди, деб бемалол айтиш мумкин.

Айни пайтда фаолиятимизда қатор камчиликлар ҳам борки, улардан кўз юмиб бўлмайди. Бу ёшларда китобга ҳавас уйғотиш, кўнгилли дам олишларини янада бойитиш борасидаги ишларимизда сезилмоқда.

Яқинда қатор туманларда бўлиб, айрим йигит-қизларни турли мавзуларда суҳбатга жалб этдик. Яширишнинг ҳожати йўқ, улардан кўпчилиги бугунги кундаги ўзгаришлар моҳиятини тўла тушуниб етишмаяпти. Қишлоқ клублари, кутубхоналарда маърифий ишлар ўлда-жўлда бораётганлиги ҳам кузатишлар чоғида маълум бўлди.

Баъзи мактаблар, билим юртларида кўриклар ёки маълум бир касблар бўйича танловлар ўтишга ўтяптию, лекин, ёшларимизнинг мафкуравий савиясини ошириш эътибордан четда қолмоқда.

Ана шу каби нуқсонлар «Камолот» жамғармаси шаҳар ва туман бўлимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бизнинг вазифаларимиз ёшлар қалбида мустақил Ватанимизга чин меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларни жисмоний ва маънавий баркамол, ҳалол ва меҳнатсевар бўлиб воягa етишларини таъминлашдан иборат экан, ана шу ишончни оқлаш йўлида сидқидил бўлишимиз лозим.

Яқинда бўлиб ўтган Республика Олий Мажлисида Президентимиз ёшлар тарбиясига, улар билимини оширишга, касб-ҳунарга жалб этиш масалаларига жиддий эътибор бердилар ва рўёбга чиқариладиган режалар хусусида сўз юритдилар. Биз ўз фаолиятимизни ана шу вазифалар ва талаблар асосида йўлга қўйиб, жамғармамизнинг мавқеини янада ошириб боришга интилаверамиз.

Садриддин САЙФУЛЛАЕВ,
«Камолот» жамғармаси вилоят бўлими раисининг ўринбосари.



БУ — МАСЪУЛИЯТ

ВАТАНИМИЗДА истиқлол ва мустақиллик шарофати билан Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар юз беряпти. Буюк маънавий ва маданий меросларимиз қайта тикланмоқда ва ривожланмоқда. Аждодларимиз яратган маънавий бойликдан, бу бебаҳо хазиналардан халқимизнинг баҳраманд бўлиш даври етиб кетди.

Маънавиятни ривожлантириш йўлида муайян ишлар қилинмоқда. «Бой тарихимиз, маданий меросимиз юртдошларимизнинг маънавий мулкига айланиши лозим», деди республикамиз Президенти Ислом Каримов «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқаруви аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда.

Бу ишларни амалга оширишда маданият муассасаларининг хизматлари салмоқли бўлиши керак. Шубҳасиз, бу борада маълум ишлар қилинмоқда. Лекин, маданият муассасаларимизнинг моддий-техника замини ожизлигича қолмоқда. Бунинг устига малакали мутахассисларнинг етишмаслиги ҳоллари ҳам учраб турибди. Кўпгина клублар ва кутубхоналарда қулайликлар йўқ, улар мослаштирилган биноларга жойлашган, айримлари фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган.

Клубларда тўгараклар сони камайиб кетмоқда. Бу, айниқса, болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга, касбга йўналтириш ишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Маданият муассасаларининг энг муҳим тармоғи ҳисобланган қатор кутубхоналар ёпилиб қолдики, бу жуда ачинарли ҳолдир. Ахир кутубхоналар болалардан тортиб қариялар учун ҳам маънавият ўчоғи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши лозим.

Бугунги кунда ушбу қийин аҳволдан чиқиб олишнинг асосий омили, менингча, маданият муассасаси кимнинг ихтиёрида бўлишидан қатъий назар, у жойлашган ҳудуддаги ҳар бир корхона, жамоа хўжалиги, ташкилот, муассаса, касаба уюшмаси ташкилотларининг ҳамкорлик қилишларига боғлиқдир. Улар ҳар бир маданият муассасасини таъмирлаш, иситиш тармоқларини ўтказиш ва созлаш, зарур асбоб-ускуналарни, жиҳозларни сотиб олиш, уларнинг фаолиятини янада жонлантириш учун маблағ ажратиб, уни марказлаштиришлари ва шунга яраша тадбирлар тузиб амалга оширишлари даркор.

Иқтисодий қийинчилик даврида ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасада маблағлар танқислиги мавжудлигини биз тушунамиз. Аммо, маданий-маърифий ишлар учун ажратилган маблағларимизни жамлаб, бир мақсадга йўналтириб сарфласак, талайгина муаммоларни ҳал қилиш имкони туғилади. Мақсадимиз қулай ва етарли шароити бўлган қишлоқ, туман ва шаҳар маданият марказларини ташкил қилишдир.

Маданият муассасаларини малакали ходимлар билан мустаҳкамлашга эътиборни кучайтириш лозим. Бунинг учун моддий ва маънавий рағбатлантириш усулларидан кенг фойдаланиш керак. Бу соҳа ходимлари учун имкониятдан келиб чиқиб, уйларини иситиш, электр, сув, коммунал хизмат, уй тўловларига имтиёзлар бериш чораларини топиш, ҳаттоки, қўшимча ҳақлар тўлаш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак.

Мана шу хайрли ишлардан корхоналар, жамоа хўжаликлари, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари, маданият ходимлари, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари четда қолмайдилар, деб ўйлаймиз.

Камол ШОДИМЕТОВ,
деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси, иқтисод фанлари номзоди.

ДОНО СЎЗНИ ДОНИШДАН ЭШИТ

ЗИЙНАТ — инсоннинг ташқи қиёфасига, фикр — унинг ақл-идрокига мутаносибдир.

* * *

ЁМОНДАН нари юриш фарз — бу қабоҳатнинг олдини олади, яхшига ёндошган эса айни муддао — бу фазилатга йўл очади.

* * *

ОЛИМ жоҳилни ажрата билади, чунки, жоҳил одам бир куни ўзлигини ошкор қилиб қўяди, лекин, жоҳил олимни ажрата олмайди, чунки, олим ҳаргиз истеъдодини кўз-кўз қилмайди.

* * *

ИЛМ ўқиб унга амал қилмаган, шудгор қилиб, уруғ экмаганга ўхшар ёки уруғ сочиб ҳосилидан баҳра олмаганга ўхшар...

* * *

ЯХШИЛИК — бир жабрланганнинг оғир юкини кўтармоқ ва уни ўша қийинчиликдан қутқармоқдир.

* * *

ЖАҲОНДА бор нарса-ақлга, ақл эса тажрибага мухтождир.

* * *

СЎЗНИ ҳакимлардан эшит, машҳур кишилар билан суҳбатда бўл, билмаганингни олимдан сўра, чунки, мулойим одамларнинг сўзларида ҳотамлик бор. Машҳур кишилар билан суҳбатга зарурат бордир.

АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ ЎЗГАЧА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони вилоятда, хусусан, хотин-қизлар қўмиталарининг мафкура, маънавият борасидаги ишларини ривожлантиришга ва жадаллаштиришга катта йўл очди.

Маълумки, вилоятимизда хотин-қизлар ишлаб чиқаришда, саноатда, таълим тизимида, соғлиқни сақлаш муассасаларида асосий ўринни эгаллайди. Бу эса миллий ва маънавий қадриятлар, урф-одатларни тиклаш, маҳаллалар ўртасида маданий-маърифий ишларни кучайтириш юзасидан кенг қамровли иш олиб боришни тақозо этади.

Маънавият ва маърифатни ривожлантириш — бу ўзлигимизни топиш, халқимизда миллий ғурур, юксак онг, ватанпарварлик ғояларини шакллантириш демакдир. Маълумки, улуғ бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги вилоятимизда кенг нишонланди. Бу эса Ватанимиз тарихи, келажагини, мустақиллигимиз қадрини тўғри талқин этишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Вилоятимизнинг Ангрен, Бекобод, Янгийўл, Олмалиқ, Зангиота, Қибрай, Бўка туманларида «Жаҳонни забт этган соҳибқирон», «Темурий маликалар», «Биз Темур авлодимиз» каби илмий анжуманларда республикамизнинг таниқли олим ва тарихчилари қатнашдилар, илмий маърузалар қилдилар. Мустақилликнинг 5 йиллигини нишонлаш арафасида ҳар бир туман ва шаҳарларда «Истиқлол, қадрият ва аёл» номли кўрик-танловлар ўтказилди.

Вилоятимизда хотин-қизлар илм-фан сирларини чуқур ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш соҳасида ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқдалар. Вилоятда «Олима аёллар» уюшмаси тузилган бўлиб, бу уюшма вилоятдаги олима аёлларнинг илм-фанни ривожлантиришга ҳисса қўшишлари учун шарт-шароитлар яратмоқда. Улар чет элларидаги хотин-қизлар билан илмий алоқалар ўрнатмоқдалар. Ҳозирда бу уюшмага 200 га яқин олима аёлларимиз аъзо.

Айни кунларда хотин-қизларимизни ўрта ва олий мактабларига жалб қилиш, хотин-қизларга фаннинг истаган соҳаси билан шуғулланишга, аспирант ва докторант аёлларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш имкониятлари кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, иқтидорли қизларни аниқлаш ва уларни маълум мақсадга йўналтирган лицей ва ўқув юртларига жойлашда ҳам бу уюшма яхши фаолият кўрсатмоқда.

Маданият ва маънавият ишларини олиб боришда асосий восита бўлган клублар, маданият саройларини, кутубхоналарни, спорт иншоотларининг молиявий аҳволини, моддий-техника базасини яхшилаш, китоблар фондини замонавий асосда бойитиш, янги адабиётлар билан таъминлаш масаласига эътиборни янада кучайтириш лозим.

Шу асосда таълим тизимларида ижодкор аёллар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Шаҳар ва туманлардаги мактабларда таниқли ёзувчи ва шоирлар билан ижодий кечалар уюштирилди. Бундай тадбирлар, шубҳасиз, ёшлар қалбида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни тарихий маданиятимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Кузатишлар шуни кўрсатяптики, назаримизда китобхонларни жалб қилиш учун янги китоблар, ранг-баранг, даврий матбуот нашрлари етарли эмас. Кутубхоналарни нурхоналар, илм олиш масканларига айлантириш ҳозирги куннинг асосий масаласидир.

Вилоят хотин-қизлар қўмитасининг маънавият ва маърифат борасида олиб бораётган ишларини янада ривожлантиришда, ўтмишимиз, буюк меросимизни ўрганишда вилоят хотин-қизларининг «Аёл олами» махсус рўзномаси алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Олдимизда қиладиган ишлар жуда кўп. Уларни муваффақиятли адо этмоқ учун барча жамоат ташкилотлари, маърифатпарварлар бирлашишимиз зарур.

Сайёра ХЎЖАЕВА,
вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси — вилоят ҳокими муовини.

МЕН БОР ГАПНИ АЙТАМАН...

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ташаббуси билан 1997 йил «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. Инсон манфаатлари эса нафақат моддий, балки, маънавий, маданий, ижтимоий эҳтиёжларни ҳам ўз ичига олади.

Вилоятда барча ташкилотларга қарашли 388 та маданият уйи ва клублар, 796 та оммавий кутубхоналар, 4 та давлат ўлкашунослик музейи, 3 та мустақил хўжалик ҳисобидаги маданият ва истироҳат боғи, 39 та болалар музиқа мактаблари ва санъат мактаблари мавжуд бўлиб бу муассасаларда 5 мингга яқин одам меҳнат қилади.

Давлатимизнинг мустақил ривожланиш йилларида ва бозор муносабатлари даврида, умуман, маданият соҳасида ва маданий дам олиш муассасалари фаолиятида яхши томонга ўзгаришлар юз берди. Ҳокимликлар ва маданият идоралари, касаба уюшмалари ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари ва маданият ходимларининг биргаликдаги ҳаракатлари билан тармоқлар тузилиши, молиявий хўжалик муносабати тизимлари мукаммаллаштирилмоқда. Ялпи моддий манбалар сақланиб қолди. Кўплаб клублар ва кутубхоналар тартибга солинди. Марказлаштирилган кутубхоналар тизими, дам олиш, қишлоқ маданият марказлари, болалар санъат мактаблари, оилавий кутубхоналар каби янги турдаги муассасалар вужудга келди.

Ўтган йили ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови халқ ижодиётини ривожлантиришда муҳим воқеа бўлди. Фақатгина шаҳарлар ва туманлар тадбирларида 18180 нафар ижрочи иштирок этди. Ҳар йили вилоятда турли жанрлар бўйича бадиий ҳаваскорлик жамоаларнинг 4-5та кўрик-танловлари ўтказиляпти.

Бугунги кундаги энг зарур муаммолардан бири маданият муассасаларининг тармоқларини сақлаб қолиш ва мукаммаллаштириш, уларнинг моддий аҳволини мустаҳкамлашдир. Бироқ сўнгги йилларда энг оммавий бўлган маданият муассасалари, маданият уйлари, кутубхоналарнинг ва клубларнинг тармоқлари қисқармоқда. Уларни таъмирлашга маблағлар етишмаяпти. Штатлар ҳам озаймоқда. Бундан келиб чиқадики, аҳолига маданий хизмат кўрсатиш сифати тобора пасаймоқда. 1991 йил билан солиштирганда яъни ўтган 5 йил давомида вилоят бўйича клуб тармоқлари 98 тага, кутубхоналар тармоқлари 86 тага қисқарди.

Яна бир муаммо — давлат қарамоғидаги маданият муассасалари жойлашган бино ва иморатлар масаласидир. Уларнинг кўпчилиги корхоналар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларининг хусусий мулкидир. Кўплаб хўжалик раҳбарлари ва туманлардаги бошқа раҳбарлар «Иқтисод ва ишлаб чиқариш кўпроқ заруррок, бу бизнинг хусусий мулкимиз, ундан қандай фойдаланиш шахсий ишимиз» деган «ишонарли» важ-корсонлари маънавиятимизга катта зарар етказяпти. Улар хоҳласалар давлат қарамоғидаги бўлган маданият муассасалари жойлашган биноларни сотиб юбормоқдалар, хусусийлаштирмоқдалар ёки хўжалик эҳтиёжлари учун тортиб олмоқдалар. Бир йил аввал, Юқоричирчиқ туманидаги «Ийк-ота» жамоа хўжалигидаги болалар ўзлари эгаллаб турган, алоҳида икки қаватлик музиқа билан шуғулланиш учун қулай хоналари бўлган санъат мактабидан чиқариб юборилган эдилар. Улар машғулот учун хоналари етарли бўлмаган, қишда иситилмайдиган маданият саройи биносига кўчирилди.

Бугун қандай бўлмасин мавжуд маданий имкониятларимизни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришимиз керак! Йўқотилган ҳар бир маданият муассасаси, биноси, ходимлари, маданий бойликлар, нафақат маданият идораларининг, балки, касаба уюшмаларининг ҳам ишларидаги муваффақиятсизлик, деб ҳисобланиши керак.

Кутубхоналарга янги адабиётлар ва даврий нашрларни келтириш миқдори ҳам жуда камайиб кеттанлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Ўтган йили келтириш ўртача ҳар кутубхонага 58 китобни ташкил қилди. Қишлоқ кутубхоналарига бундан ҳам кам келиб тушди. Кўплаб қишлоқ кутубхоналари атиги 1-2 та рўзнома ва ойномалар олишади, баъзиларида эса бу ҳам йўқ.

Мен бу ҳақда фақат танқид учун ёки ишимизнинг ёмон томонларинигина кўрсатиш учун гапираётганим йўқ. Вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан аҳволни яхшилаш учун имкониятлар қидириляпти. Лекин, бугунги кунда ҳамма нарса бюджет зиммасига ағдариб қўйилган. Касаба уюшма ташкилотлари, жамоа хўжаликлари, корхоналар ўз маданият муассасасига эга бўлмаса, ўз ҳудудларида бўлган маданият муассасаларининг ҳаражатлари бир қисмини кўтаришга ёки уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилишмайди. Вахоланки, бу маданият муассасалари уларнинг ишчиларига ва оила аъзоларига хизмат қилади.

Маданият муассасаларининг иш услублари, шакллари мазмунларини кескин ўзгартириш лозим. Клубларда ҳаваскорлик, халқ ижодиёти тўгараклари ишларини такомиллаштириш масаласини ўйлаб кўриш керак. Касаба уюшмалари ва жамоа хўжаликларининг клубларида оммавий, ҳаваскорлик жамоалари бор, лекин, уларнинг сони кам. Тошкент туманидаги жамоа хўжаликларининг 8 та клубига — 12 та тўгарак ва 128 та қатнашчи, Бўстонлиқ туманидаги 4 та клубга — 10 тўгарак ва 123 та қатнашчи тўғри келади. Бу рақамларни хотиржам айтиб бўладими: Чиноз туманидаги С. Раҳимов номли жамоа хўжалигининг клубида 1 та тўгарак, 4 та қатнашчи, шу туманнинг Эрназаров номли жамоа хўжалигининг клубида ва Янгийўл туманининг «Қовунчи» жамоа хўжалиги клубида биттадан тўгарак ва 5 тадан қатнашчи, Ўртачирчиқ туманининг «Қайтмас» жамоа хўжалиги клубида битта тўгарак ва 12 та қатнашчи фаолият кўрсатмоқда.

Бугун маънавият ва маърифат масалалари муҳим вазифа сифатида ўртага ташланган экан, бу борада маданият ходимлари зиммасидаги юк нечоғлик масъулиятли эканлигини таъкидламоқ жоиздир. Шунинг учун ҳам биз бундан буён ўз тизимимиздаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишга, яхши анъаналарни янада ривож топтиришга астойдил ҳаракат қилишимиз лозим.

Зоҳид СОЛИҲОВ,
вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси бошлиғи.

ОТДАН ТУШСА ҲАМ...

Ҳаётий лавҳалар

Бирон йиғин, тўй, маъракага тўпланиб, уюшиб борганга нима етсин! Биз маҳалладошлар бу удумга амал қиламиз. Мана, бугун ҳам Каримжонларникига нахорги ошга барвақт йиғилдик.

— Расулжонни чақирмадингми, — деди маҳалла оқсоқоли унинг ён қўшниси Абдуқодирга.

— Тавба қилганман.

— Тушунмадим, — деди оқсоқол.

— Бир куни чақирган эдим «қорним тўқ, ошга чиқмайман, безовта қилиб, уйқудан қолдириб, нима қилардинг», деб жеркиб берган. Ўшанда роса изза бўлганман.

— Расули тушмагурей, — деди оқсоқол, — кайфияти йўқроқ бўлиб тургандир-да!

Шу-шу бўлди, қўни-қўшнилари Расулжонни йиғинларга чақиришмай қўйишди.

Бора-бора у чойхонага ҳам чиқолмай қолди. Бунга ҳам ўзининг феъли-атвори сабабчи бўлди.

Одатдагидек тўрт-беш киши йиғилишиб, улфатчилик қилиб ўтиришарди. Уларнинг сафига рухсат сўраб, қўшни маҳалладан бир ёшроқ йигит ҳам келиб қўшилди.

Расулжон, ўзининг айтганини маъқуллаб, ҳеч кимга гап бермасди.

Бояги йигит индамай туролмади.

— Ака, кечирасизу, сиз нотўғри айтяпсиз, — деди у.

— Ундоқ эмас, бундоқ!

— Сен ўзи кимсан? — деди Расул кўзини олайтириб, — нега менга ақл ўргатасан, — дея дўқ ура кетди.

Орага улфатлар аралашишди.

— Ҳамма нарсани ўзим биламан, деяверасанми, йигит тўғри айтяпти!

— Сенлар ҳам унинг ёнини олаяпсанларми, — деди у қизишиб. Яна нималарнидир тўнғиллаб зарда билан ўрнидан туриб кетди. Улфатлар унинг орқасидан бошларини сарак-сарак қилиб, афсус билан қараб қолишди. Эҳ, атанг. Ўзини ким деб ўйлайди у. Ахир бир маҳаллари раҳбар бўлиб ишлаган бўлсанг ўзинг учун ишлагансан, ўша пайтда ҳам гердайиб юрардинг. Сенга ўхшаган каттароқ ишда ишлайдиганлар, маҳаллада кўп эди. Улар ишдан қайтишаётганда гузарда машиналарини тўхтатиб, тушиб, катта-кичиклар билан сўрашиб, ўтишарди. Сен бўлсанг, ҳатто таъзияли хонадон эшиги олдидан ҳам кўнгил сўрамай ўтиб кетардинг. Тўй-ҳашамларга-ку, умуман чиқмасдинг. Сал ўзингдан бадавлатроқ, амалдор, фойдаси тегадиганроқ одамнинг йиғини бўлса, албатта, вақт топардинг. Энди эл қатори нафақахўрсан. Нега отдан тушсанг ҳам, эгардан тушгинг келмайди. Маҳалла-қўйга, одамларга ҳам бирон яхшилик қилишни, кўмак беришни ўйламадинг.

Эртасига маҳалланинг оқсоқоллари уни йўлда учратиб, «кечаги «қилиғи»ни айтиб, тўғри иш қилмадинг», дейишди. Бу сафар ҳам Расул тескари қараб кетди.

У шундай қилиб эл назаридан қолди...

КАСОФАТ

Шарифжон бугун ҳам ширакайф бўлиб қайтди. Автобусдан тушган эди маҳалла чойхонаси олдида тўпланиб турган одамларга кўзи тушди. Кўринмай қўяқолайми, деб секин уйига кириб кетмоқчи эди. Бўлмади.

— Шарифжон, қани буёққа, — деб чақириб қолишди уни. Ноилож борди.

— Қани кетдик, — дейишди унга.

— Қаёққа.

— Хали хабаринг йўқми, Ҳомиджон ака қизини узатяпти, бугун сабзи тўғрарга чиқишимиз керак.

Шарифжон ўйланиб қолди. Мени айтганмикан ўзи? Кеча қаттиқ маст бўлиб келиб ухлаб қолган эдим. Аёлим уйготмоқчи бўлиб, нималарнидир айтаётган эди. Эҳтимол ўшанидир-да, борсам борақолай.

Улар тўй қилинаётган хонадонга кириб келишди.

Маҳалла оқсоқоли кўрдики, Шарифжоннинг бироз кайфи бор.

— Сен, укам, — деди оқсоқол, — мана бу ерга ўтиракол. Шарифжон оқсоқол нимага шаъма қилаётганлигини тушунгандек эди.

Сабзи тўғраш ҳам ниҳоясига етди. Ҳаммани дастурхонга таклиф этдилар. Шўрва, нознеъматлар тортилди. Ҳар ерҳар ерга шишалар қўйиб чиқилди. Маҳалла оқсоқоли Шарифжоннинг олдига келди.

— Яхши ўтирибсанми, укам, ҳа, ўзинг яхшисан!

— Оббо, — деди Шарифжон, камроқ ичгин демоқчими...

— Қўявер, парво қилма, — деди ёнида ўтирган шериги. — Агар билсанг, оқсоқолимиз сен билан бизнинг ғамимизни еяпти-да!

У шундай деди-да, бир пиёла аракни Шарифжонга узатди.

— Янами, — деди Шарифжон.

— Олаверсанг-чи, — бошқа ичадиган йўқ.

— Қўймадинг-да, — деди Шарифжон ва пиёладаги аракни олиб, симириб юборди. Кўп ўтмай арақ ўз кучини кўрсатди. У ўтирган жойида ўзини тутолмай орқа томондаги гулзор ичига чалқанчасига ағанаб тушди. Қий-чув бўлиб кетди, нима гап, тинчликми, ҳеч гап йўқ, шундай кайфи ошиб қолибди.

Уни аранг турғизишди. Гулнинг тиканаклари юзларини тилиб юборганди. Икки киши суяб, уйига олиб боришди. Буни қарангки, ўша куни қўшни қишлоқдан Шарифжоннинг онаси ўғлини, набирасини бир кўриб кетай, деб келган экан. Фарзандининг аҳволини кўриб ўтакаси ёрилай деди.

— Вой, ўлай, боламга нима бўлди, уни ким урди?!

— Ўзингизни босинг, опоқи, ҳеч нарса бўлгани йўқ, — дея бўлган воқеани айтиб беришди. Қани энди онаизор ишонса, тушуна қолса!

— Ҳой келин, қарасангиз-чи!

— Ойижон, — деди келин, — ўлар бўлсам ўлиб бўлдим, ҳар куни шу аҳвол... Энди бу-кунини гўр тузатмаса...

Лекин афсуски, бунинг тескариси бўлди. Шундай ҳам юраги хасталаниб юрган онаизор бу кўргиликка, фарзандининг аҳволига чидай олмади. Юраги қаттиқ ҳуруж қилиб, ҳушидан кетди. Шифокорларни чақиришди. Муолажанинг фойдаси бўлмади, бандаликни бажо келтирди. Эртасига шум хабардан воқиф бўлган Шарифжоннинг укаси етиб келди.

— Ака, — деди у. — Сизга кўп айтардик-ку, шу ичкиликни ташланг, бўлмаса бир кунмас-бир кун ўзингиз-ку, майли, бошқаларнинг ҳам бошига етасиз, деб, онамга зомин бўлибсиз-да! Энди нима деган одам бўлдингиз, эл-юрт ўртасида қандай бош кўтариб юрамиз. Қачонгача бизларни юзимизни шувит қиласиз!

У индамай без бўлиб турарди.

Афсуски, Шарифжон заррача бўлса ҳам хулоса чиқармади. Онасининг еттиси ўтар-ўтмас, яна ичишда давом этди.

Кўп ўтмай хотини ҳам бир ярим яшарга етар-етмас фарзандини олиб уйини тарк этди...

Носир РИХСИЕВ.

Таҳририятга хат

МАҲАЛЛА БЕГОНА ЭМАС

БУНДАЙ ўйлаб кўрсам сўнгги йилларда қариндошларим орасида бирорта ҳам оилавий ажралиш можароси содир бўлмабди... кўз тегмасин.

Менимча, эл-юртдан, жамоадан ажралиб қолган, кўпчиликка қўшилмайдиган баъзи хонадонлардагина ана шундай кўнгилсиз воқеалар юз беради. Маҳалла — тарбия ўчоғи, ҳар қандай уришжанжални тинч йўл билан ҳал қилиши, адашган ёшларга вақтида тўғри йўл кўрсатиши, маҳалла оқсоқолларининг, биринчи навбатда биз сингари пиру-бадавлат онахонларнинг вазифаси деб биламан.

Олти нафар келин олиб, икки қиз чиқардим. Ҳаммаси аҳил, ҳамжиҳат яшаб келишяпти. Тўрттасига алоҳида ўй-жой қилиб бердик. Улар мустақил рўзғор тутишяпти. Ўтган йиллар мобайнида келинларимнинг бирортаси билан ҳам орамиздан ноўрин гап ўтмади. Мен уларнинг раъйига қараб иш тутдим, улар менинг кўнглимга қулоқ солишди. Ўзаро ҳурмат, ғам-ташвишга шериклик, ширинсўз, иззатҳурмат, мана шуларнинг ҳаммаси катта хонадонимизнинг тинчлиги, фаровонлигига мустаҳкам замин бўлаётир.

Хонадон — бу маҳалланинг кичик бир бўлаги. Ана шу ажралмас бўлакнинг осойишталиги аввало маҳалла фаоллари, фуқаролар йиғини катталарига боғлиқ. Босиқ фаросатли, кўпни кўрган, ҳаёт тажрибасига бой кишилар эл бошида турсалар барча хонадонларда турмуш сокин кечади, уруш-жанжаллар чиқмайди. Ана шундай маҳаллада яшаб, унинг фаолларидан бири бўлганим билан фахрланаман.

Матлуба МАҲМУДОВА.
Юқоричирчиқ тумани.
Жумабозор қишлоғи.

БАРЧАГА МАЪҚУЛ БАЙРАМ

ПОЙТАХТ халқ йўли яқинидаги Қорасув даҳасида жойлашган Тошкент вилояти педагогика билим юртига ташриф буюрган кишининг баҳри дили очилади. Ўқув биноси ва унинг ичидаги саранжом-саришталик кўзни қувонтиради. Талабалар ва ўқитувчилар баҳор келиши билан бир неча марта хашар уюштириб, билим юрти ҳамда унинг яқинида жойлашган «Талабалар уйи» атрофидаги мўъжаз боғни тартибга келтирдилар, янги кўчатлар ўтказиб, дарахтларни оқлаб, тагини юмшатдилар. Ўқув хоналарини эса лотин алифбосида ёзилган турли, янги кўргазмали қуроллар билан тўла тўкис жиҳозладилар.

Яқинда шодиёналик билан нишонланган Наврўз байрами кўклам тадбирларининг ўзига хос, мазмунли якуни бўлди. Шу куни ўтказилган тадбирда мусиқа ўқитувчиси Э. Алимбеков, рақс таълими ўқитувчиси М. Мамажонованинг шогирдлари ижро этган куй, қўшиқлар, лапар, шеър, ўйинлар, спектакллардан саҳналар йиғилганларга манзур бўлди.

Баҳром ТОЖИЕВ.

Ҳар тўғрида

17 ЙИЛДАН БЕРИ МИЖЖА ҚОҚМАЙДИ

Мутлақо уйқуси йўқ одамларни шифокорлар сурункали колитита дардига йўлиқибди, дейдилар. Табобатнинг бутун тарихи давомида бундай ҳоллардан бир нечтаси учраган.

Ҳозирги вақтда минсклик Яков Церович шу дардга чалинган. У 26 яшарлигида «клиник ўлим»ни бошидан кечирган: вино ичиб, ўзини жуда ёмон ҳис қилгач, дўстлари «Тез ёрдам» чақиришган. Шифокорлар Яковни «у дунё»дан қайтариб қолишга муваффақ бўлишган. Бироқ у бутунлай бошқача одам бўлиб қолган. Церович жисмоний жиҳатдан жуда бақувват бўлиб, тана ҳарорати 34 даражагача тушган, энг муҳими — у энди бутунлай ухламасди. Уйқу дорилар унга кор қилмайди. «Мен умуман вақт қандай ўтаётганлигини билмайман. Айнан бир куннинг ўзи тўхтовсиз давом этаётганга ўхшайди. Ҳаётим узлуксиз давом этса керагов», — дейди у.

Яковни таниқли мутахассислар текшириб кўришган. Ҳеч қандай касаллик ва ўзгаришлар бўлганлигини аниқлашмаган. Бу йил Яков 43 ёшга тўлди. Лекин кўринишдан ҳамон 26 яшарлигидагидек. Вақт унинг учун тўхтаб, бир жойда қотиб қолгандек.

СИРЛИ ЁҒДУ

БУ сирли атмосфера ҳодисаси биринчи марта 1989 йили Американинг Миннеаполис шаҳридаги университет олимлари томонидан қайд қилинган эди. Верхний кўли томонидаги момақалдироқли булутга қаратилган ўта сезгир видеокамера қўққисдан қисқа чақнашларни қайд қилган. Чақмоқ булут тепасидаги 65 километр баландликкача кўтарилган эди.

Ўша вақтдан буён сирли ёғдуларни олимлар бир неча бор қайд этишган, лекин бу табиат жумбоғига жавоб топиша олмаган. Бу ғалати ҳодиса момақалдироқ туфайли содир бўладими, ёки ғайритабиий руҳий кучлар момақалдироқ келтириб чиқарадими, ё бўлмаса қандайдир номаълум учинчи омил борми — равшан эмас.

ТОҒДАГИ ФОЖЕА

Шимолий Ураллдаги 1079 рақамли баландлик «ўликлар тоғи» деб аталади. Бу ердаги довонда 1957 йил 2 февралда бир гуруҳ сайёҳлар сирли ҳолатда ҳалок бўлган эдилар.

9 нафар тажрибали сайёҳнинг кутилмагандаги ўлимини мутахассислар ҳар хил баҳолашди. Эҳтимол, чодирга думалоқ чақмоқ учиб келгандир. Балки НУЖларнинг ҳалокатли таъсири бўлгандир. Эҳтимол, қандайдир қуроллар махфий равишда синалаётган жойга йиғитлар кириб қолгандир. Ҳеч қайси тахмин ҳалигача ўз тасдиғини топмади. Аномалия ҳолатларини тадқиқ қилувчилар учун ҳам, ҳуқуқ муҳофазаси органлари учун ҳам мазкур фожеали ҳодиса жумбоқ бўлиб қолмоқда.

Об-ҳаво

ОЧИЛИБ ҲАМ, ЁҒИБ ҲАМ ТУРАДИ

Ўзбекистон гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, 30 апрелдан 4 майга қадар об-ҳаво ўзгарувчан бўлади. Ушбу муҳлатнинг биринчи ярмида айтарлик ёғингарчилик бўлмайди, иккинчи ярмида эса айрим туманларда вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, шамол эсади ва унинг тезлиги секундига 12—17 метрга етади. Ҳаво очиқ келганда кечалари 15—20 даража, кундуз кунлари 27—32 даража иссиқ бўлади. Ҳаво айниган кезларда тунлари ҳарорат 15—20 даража, кундуз кунлари 19—24 даража атрофида бўлади.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли тиббиёт билим юрти 1997/98 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

I. 11 йиллик ўрта маълумотга эга бўлганлар учун:

I-БОСҚИЧ

1. Акушерлик иши.
2. Ҳамширалик иши.

II. Тиббиёт билим юртларини юқори рейтингда битирган талабалар учун:

II-БОСҚИЧ

Ҳамшира иши мутахассиси, ташкилотчиси.

10 май соат 10.00 дан 12.00 гача «ОЧИҚ ЭШИКЛАР» куни ўтказилади. Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Уйғур кўчаси 305-уй. Телефон: 42-86-84.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

***ВИЛОЯТИМИЗДА** футбол тобора оммавийлашиб боряпти. Шаҳар ва туман биринчиликларида янги-янги жамоалар баҳсга қўшилиб, иқтидорли ҳаваскорлар етишиб чиқмоқда. Куни кеча Оҳангарон туманидаги Марказий ўйингоҳда туман биринчилигининг очилиш тантанаси бўлди. Мусобақа байроғи кўтарилгач, Оҳангарон ҳиссадорлик жамиятининг «Шунқорлар» ва туман ички ишлар бўлимининг «Динамо» жамоалари ўртасида учрашув бўлди. Қизиқарли ўтган бу баҳс 2:0 ҳисобида «Шунқорлар» жамоаси фойдасига тугади. Суратларда: биринчилик қатнашчилари ва ўйин пайти.*

***Даврон АҲМАД** олган суратлар.*

КУЧЛИЛАРГА БАС КЕЛИШ ОСОНМАС

ЎЗБЕКИСТОН Кубоги учун дастлабки босқич учрашувларида вилоятимизнинг тўрт вакили олий табақа иштирокчилари бўлган кучли жамоаларга қарши курашдилар. Жавоб учрашувларида футболчиларимиз рақиблари билан деярли тенг ўйнаган бўлсалар-да, икки учрашув натижасига кўра ён беришга мажбур бўлишди. Бекободнинг «Металлург» жамоаси Марғилоннинг «Атласчи» клуби билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. Зангиотанинг «Лочин» футболчилари эса Навоийнинг «Зарафшон» жамоасига кескин курашда 1:2 ҳисобида ютқазишди. «Кимёгар» Жиззахнинг «Сўғдиёна» футболчиларидан 1:3 ҳисобида, «Бўкалик» эса Термизнинг «Сурхон» клубидан 0:1 ҳисобида енгилди. Фақат бир вакилимиз Қибрайнинг «Роҳат» футболчилари курашни давом эттириш имкониятига эга эдилар. Бироқ улар ҳам бу ҳуқуқдан маҳрум бўлишди. Сафарда Муборакнинг «Машъал» жамоасига 1:3 ҳисобида ютқазган қибрайликларнинг ўз майдонларидаги ғалабаси (2:1) фойда бермади.

Биллур соврин учун қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Истиқлол—Тўқимачи» — 0:1, «Навбаҳор—2» — «Хоразм» — 0:0, «Хива» — «Қорсонсой»—1:0, «Дўстлик» — «Пахтаобод» — 4:1, «Боғдод», — «Янгиер» — 2:2, «Шаҳрихон», — «Темирйўлчи» — 2:2, «Орол» — Гулистон» — 3:0, «Афросиёб» — «Насаф» — 0:4, «Шўрчи» — «Зафар» — 5:0, «Ситора» — «Шўртон» — 4:0, «Чилонзор» — «Қизилқум» — 3:0.

РАҚИБЛАР ОЧКО ЙЎҚОТИШМОҚДА

Жаҳон биринчилиги саралаш учрашувлари давом этмоқда. Ўзбекистон вакиллари қатнашаётган Осиё минтақасининг бешинчи гуруҳида рақибларимиз ўзаро учрашувларда очколар йўқотишмоқда. Гуруҳда яна иккита ўйин бўлиб ўтди. Камбоджа — Яман мамлакатлари беллашувида меҳмонлар 1:0 ҳисобида устун келишган бўлса, ўтган якшанба куни бўлиб ўтган Камбоджа — Индонезия терма жамоаларининг ўйини 1:1 ҳисобида дуранг билан якунланди. Маълумки, Ўзбекистон футболчилари дастлабки учрашувни 9 майда сафарда Яман терма командаси билан ўтказишади. Мазкур гуруҳда бугунгача жамоаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича бўлиб турибди:

	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т.	О
Индонезия	3	1	2	0	9:1	5
Яман	2	1	1	0	1:0	4
Камбоджа	3	0	1	2	1-10	1
Ўзбекистон	0	0	0	0	0—0	0

БУГУН «ДЎСТЛИК»ДА ХАЛҚАРО ЎЙИН

Жаҳон саралаш учрашувларига тайёргарлик кўраётган Вьетнам футболчилари юртимизда меҳмон бўлиб туришибди. Улар Тожикистон ва Туркманистон терма жамоалари билан бир гуруҳда қатнашмоқда.

Меҳмонларимиз бугун вилоятимизнинг бош ўйингоҳи «Дўстлик»да майдон эгалари билан якунловчи халқаро учрашувини ўтказишади. Вьетнамликлар Наманганда «Навбаҳор»дан 0:5 ҳисобида енгилиб, Бухорода майдон эгалари билан бўлган ўйинда 2:1 ҳисобида устун келишди.

АРМИЯЧИЛАРНИНГ ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ

ЎТГАН жума куни МҲСК ўйингоҳида ҳарбийлар ўртасида жаҳон биринчилигининг саралаш учрашувида майдон эгалари Корея терма жамоасини қабул қилишиб, дастлабки ғалабани (3:1) қўлга киритдилар. Рақиблар дарвозасига тўпларни М. Қурбонов, Ш. Раҳмонқулов ва Н. Хасановлар киритишди. Жавоб учрашуви 2 майда Сеулда бўлади.

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАРИ

САМБО бўйича Мўғулистон пойтахти Улан-Баторда бўлиб ўтган Осиё биринчилигида бир йўла катталар, ёшлар ва ўсмирлар беллашдилар. Ўзбекистон вакиллари мазкур биринчиликда жуда яхши қатнашиб, жами 23 та (8 та олтин, 5 та кумуш ва 10 та бронза) медалларга сазовор бўлишди. Катталар ўртасида Фарҳод Хўжанов (57 кг), Шуҳрат Хўжаев (90 кг) ёшлар ўртасида А. Раҳимов (52 кг), Д. Илёсов (74 кг), Д. Каминский (100 кг) ва ўсмирлар ўртасида Д. Орзиев (48 кг), И. Йўлдошев (62 кг), С. Алимов (82 кг)лар Осиё чемпиони деган юксак номга сазовор бўлишди.

ДИҚҚАТ, КИМ ОШДИ САВДОСИ

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти бўлими ва Вилоят Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Паркент тумани ҳокимлиги билан биргаликда КИМ ОШДИ савдосини ўтказади. КИМ ОШДИ савдосига қуйидаги ҳудудлардан ер майдонлари қўйилган.

№	Ер майдони жойлашган ҳудуд	ер майдонлари сони	ҳар бир ер майдони ўлчами (м.кв.)	ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси (сўм)
1	НАВДАК	20	400,0	13.440
2	САНҒАНАК	20	400,0	13.440
3	НАМДАНАК	10	400,0	13.440
4	ЧАНҒИ	10	400,0	13.440
5	СЎҚОҚ	8	400,0	13.440
6	БОЙҚОЗОН	6	400,0	13.440
7	ГУЛБОҒ марказий қўрғони	10	400,0	13.440
8	ПАРКЕНТ ш. Чуккайма мав.	40	400,0	23.808

Аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади.

ТУМАН ҲОКИМЛИГИ БИНОСИ, ХУСУСИЙЛАШТИРИШ БЎЛИМИДА, ҲАМДА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИДА..

ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА

Телефон: (8-272) 22-851
(8-3712) 33-28-52

КИМ ОШДИ САВДОСИ ПАРКЕНТ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА 1997 ЙИЛ 8 МАЙ КУНИ СОАТ 10.00 ДА БОШЛАНАДИ.

КИМ ОШДИ САВДОСИГА

ШОШИЛИНГ!!!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0215. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 13.826 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 00. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6